



ХИВА ХОНЛИГИ — ўзбек давлатчилиги тарихи боскичларидаги учта хонликдан бири (1512—1920 й.). Пойтахти — Вазир, Кўхна Урганч, 16-а. нинг 70-й. ларидан — Хива ш.

Темурийлар тасарруфида бўлган Хоразм худудини Шайбонийхон 1505 й. да босиб олган. Шайбонийхон вафоти (1510) дан кейин Хоразм Эрон сафавийлари қўл остига ўтди. Уларга қарши халқ кўзғолони бўлиб, унга Вазир қалъаси қозиси Умар ва Бакиргон қишлоғидан мулла Сайд Хисомиддин бошчилик қилди. Икки йил давом этган курашлар натижасида эронийлар мамлакатдан қувиб чиқарилган ва хоразмликлар таклифи билан 1511 й. Вазир ш. ни эгаллаган шайбонийлардан Элбарсхон Хоразм ҳукмдори деб тан олинган.

Элбарсхон (1511 —16) билан бирга Дашти Кипчокдан Хоразмга келган халқлар ўтроклашганлар. Унинг даврида хоразмликлар Туркменистоннинг жан. қисми, Эрон шим. даги Сарахс, Орол ва Мангишлокни эгаллашган. Янги ерларни Элбарсхон ўғиллари ва укаси, қариндошларига бўлиб бериши натижасида майда ҳокимликлар пайдо бўлган. Элбарсхон вафотидан кейин узлуксиз ўзаро низолар сабабли хонлар тезтез алмашиб турган. 16-а. да Хива хонлигини Султон Хожихон (1516), Хусайнкулихон (1516), Сўфиёнхон (1516—22), Бужакахон (152226), Аванешхон (152638), Алихон (153847), Акатоёхон (154756), Юнусхон (155657), Дўстхон (1557—58), Хожи Муҳаммадхон (1559—1602) лар бошқарганлар. Бу даврда халқ, Элбарсхон авлодлари ўртасидаги ўзаро қирғинларидан ташқари Бухоро ва Хива хонлиги ўртасида урушлар азобини ҳам торттишга мажбур бўлган. Бухороликлар Убайдуллахон ва Абдуллахон II ҳукмронлик давларида (153738; 1593; 159598) Хоразмга ҳужумлар қилиб, қиска вақт Х. х. ни Бухорога бўйсундирганлар. Бу урушлар ва 16-а. нинг 70-й. ларида Амударё ўзанининг ўзгариб, Каспий денгизига окмай қўйганлиги ҳам Хоразм иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатган.

17-а. бошларига келиб, Хоразм тахти учун бўлган сулолавий курашлардан сўнг, тахтга ўтирган Араб Муҳаммадхон даврида Хива хонлигида давлат парокандалиги ўзининг юкори чўккисига етган. Рус казаклари, козоклар ва калмикларнинг талончилик юришлари, Араб Муҳаммадхоннинг ўгиллари Хабаши ва Элбарсларнинг оталарига қарши чиқишлари парокандаликни авж олдирган. Бу курашда уларнинг кўли баланд келиб, оталарини катл эттиришга эришадилар. Падаркуш Элбарс ва Хабаши султонлар (1621—23) акалари Асфандиёр (Исфандиёр, 1623—43) томонидан тахтдан туширилиб, катл қилинган. Эрон шоҳи Аббос I ҳомийлигида тахтга чиққан Асфандиёрхон даврида мамлакат сиёсий ҳаётидаги кескинлик сақланиб қолди. Орол бўйидаги ўзбек кўнғиротлари Асфандиёрга бўйсунмай қўйишган. Мамлакатда тарқоклик ва зулм кучайган. Бундан фойдаланган йирик мулкдорлар Абулғозий Баҳодирхон 1643 й. да хон қилиб қўтаришган. Абулғозий Баҳодирхон акаси вафотидан кейин 1644 й. да Хива хонлиги тахтига ўтирган. У марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаб, Бухоро хонлигининг Чоржўй, Варданза, Қорақўл, Қармана атрофларига бир неча марта ҳарбий юришлар қилди.

Абулғозий Баҳодирхон 1662 й. да Бухоро хони Абдулазизхон билан сулҳ тузиб, 1663 й. да ҳокимиятни ўгли Анушахонта топширган. Шунга қарамай Хива қўшинлари Бухоро, Самарқанд, Қаршига талончилик юришларини давом эттирган. 1685 й. Хива қўшинлари Гиждувон яқинида мағлубиятга учрагач, Бухоронинг Хива хонлигига таъсири кучайган. Бухоро хони Субҳонқулихон Анушага қарши фитна уюштириб, унинг ўгли Аранг Муҳаммадхонга тахтни эгаллашга ёрдам берди. Лекин унинг ҳукмронлиги жуда қисқа бўлган. 17-а. нинг охири — 18-а. бошларида Хива хонлигида Худойдодхон (1687—88), Ўзбекхон—Арнакхон (1688—90), Жўжи Султон (1694—97), Валихон (1697—99), Шохниёзхон (1699—90), Шохбаҳтхон (1702—03), Сайид Алихон (1703—05), Мусахон (1705—06), Ёдгорхон (1706—13) қабил ўнлаб хонлар алмашган. Бу мамлакат аҳолисини янада огирлаштирган. Худди шу даврга қелиб Россиянинг Шарққа бўлган қизиқиши ортган ва Петр I 1714—17 й. ларда Александр Бекович-Черкасский (қ. Бекович-Черкасский ҳарбий юриши) бошчилигида Хх. га ҳарбий экспедиция жўнатган. Хива хони Шерғозихон (1714—28) Қайрағоч дарасидаги очик тўқнашувда катта талафотга учрагач, ҳарбий хийла ишлатиб, рус қўшинларини 5 та шаҳарга бўлиб юборган ва уларни алоҳид-алоҳида қиргин қилган. Бу пайтда ички низолар, зулм авж олган, Орол бўйи аҳолиси Хивага бўйсунмай қўйган эди. 1728 й. Хивадаги Шерғозихон мадрасаси қурилишида қуллар кўзғолон қўтариб, хон ва унинг мулозимларини катл қилишган. Шу воқеадан кейин Хива хонлигида сиёсий ўйин яна авж олган. Хива хонлиги даги ўзаро урушларда Элбарсхон (1728—39) ҳокимиятни қўлга қиритгач, ички низоларни бостириб, қўшни ҳудудларга босқинчилик юришларини амалга оширган. 1740 й. Эрон шоҳи Нодиршоҳ Х. х. га бостириб қириб, уни ўзига бўйсундирган. 1741 й. ҳоразмликларнинг кўзғолони эронийлар томонидан бостирилган. 18-а. ўрталаридаги хонлар гоҳ Эрон шохдарининг хоҳиши, гоҳ Бухоро ҳукмдорларининг таъсири, гоҳ маҳаллий аҳоли кўнғирот уругининг ёрдами билан тезтез алмашиб турган. Бу даврда Тохирхон (1739—40), Абулхайрхон (7—8 кун), Нуралихон (1740—42), Абулғозийхон II (1742—46), Гойибхон (1746—56), Қорабойхон (1756—57), Темурғозийхон (1757—64) ва бошқалар Хива хонлигида расман ҳукмронлик қилишган. 18-а. нинг 60-й. ларидан бадавлат шаҳарликлар ва руҳонийларнинг қўллаб-қувватлашига эришган кўнғирот уруғлари Хива хонлигида ҳокимиятни қўлга ола бошлаган. Инок Муҳаммад Амин (1770—90) 1770 й. да туркманларнинг қаршичилигини синдириб, 1782 й. да Бухоро

амирлиги хужумини кайтариб, Хива хонлигида кўнгиротларнинг амалдаги ҳокимиятини мустаҳкамлаган. Аваз Муҳаммад Инок даврида Хива хонлигида марказий ҳокимият мустаҳкамланиб, иктисодий аҳвол бирмунча яхшиланган. Бу билан 19-а. бошларида кўнгиротлар сулоласи ҳокимиятни расман эгаллашига замин тайёрлаган. Муҳаммад Амин Инок ва Аваз Муҳаммад Иноклар чингизий султонлар номидан ҳокимиятни бошқарган бўлсалар, уларнинг вориси Элтпузар (1804—06) 1804 й. да Абулғозийхон V Ёдгорхон ўгли (1802 — 04)ни тахтдан тушириб, ўзини хон деб эълон қилган. Шунинг учун ҳам Элтпузархон Х. х. тахтига ўтирган кўнгиротлар сулоласининг 1-хони ҳисобланади. Унинг вориси, иниси Муҳаммад Раҳимхон I Х. х. ни бирлаштиришни ният қилган. 1811 й. да бир канча юришлардан кейин қорақалпоқларни ҳам Хива хонлиги таркибига қўшиб олган. У ўтказган сиёсий, маъмурий, иктисодий ислохотлар натижасида бошқарув тизими такомиллашиб, солиқлар тартибга тушган.

Оллоқулихон (1825—42), Раҳимқулихон (1842—45) ва Муҳаммад Аминхон (1846—55) давларида Хива кўшинларининг Хуросонга юришлари кучайди, Марв ш. учун Бухоро амирлиги билан тезтез урушлар бўлиб турган. Хива хонлари бу даврда Сирдарёнинг Орол денгизига қуйиладиган жойидан Туркменистон ҳудудидаги Қушқагача бўлган ерларни бошқарган. 1855 й. да Сарахсни камал қилиш пайтида Муҳаммад Аминхоннинг ҳалок бўлиши мамлакатда парокандаликка сабаб бўлган. Абдуллахон (1855 — 56), Қутлугмуродхонлар (1856) 6 ойдан кўп ҳукмронлик қилмасларидан ўддирилган. 1856 й. да тахтни Сайд Муҳаммадхон (1856—64) эгаллаган.

Хива хонлигида сўнгги мустиқил ҳукмдор Феруз тахаллуси билан ижод қилган Муҳаммад Раҳимхон II (1864—1910) бўлган. Унинг даврида хонликнинг сиёсий, иктисодий, маданий жиҳатдан ўсиши кўзга ташланади. Лекин, 1873 й. Россия Х. х. ни босиб олган, Муҳаммад Раҳимхон II ва К. П. Кауфман имзолаган Гандимиён шартномасига кўра, Хива хонлиги Россияга қарам давлатга айланиб қолган. Асфандиёрхон (1910 — 18) Россиядаги ўзгаришлар сабаб Хива хонлигида зулми кучайтирган. Шу билан бирга Россия ҳукумати талаби билан 1910—13 й. ларда вазир Исроҳилов бошчилигида ислохотлар ўтказишга ҳаракат қилган. 1914—16 й. ларда солиқларнинг кўпайиши, иктисодий аҳволнинг оғирлашиши сабабли халқнинг норозилик ҳаракати кучайди.

1917 й. Россиядаги фев. инқилоби таъсирида Ёш хивалиқлар ва б. сиёсий кучларнинг талаби билан Асфандиёрхон мажлис чақириш ва нозирлар кенгашини тузиш тўғрисидаги манифестга имзо чеккан. 1917 й. охирида Хива хонлиги даги советларга мойил кучларнинг олиб чиқиб кетилиши мажлиснинг тугатилишига асос бўлган. 1918 й. янв. да сўнгги рус аскарларининг Хива хонлигидан чиқиб кетиши Жунаидхон Хива ш. ни эгаллашига имкон берган. Асфандиёрхон Жунаидхон кўлида кўгирчок ҳукмдорга айланиб қолган. Сиёсий ўйинлар сабабли 1918 й. окт. ойда Жунаидхон томонидан Асфандиёрхон ўлдирилган ва сўнгги хон Сайд Абдуллахон (1918 й. окт. — 1920 й. 2 фев.) тахтга чиқарилган. Бу даврда Хива хонлиги мустиқил давлат сифатида фаолият юргизган. Ёш хивалиқлар қизил армиянинг ёрдами билан 1920 й. 2 фев. да Сайд Абдуллахонни тахтдан туширишган ва Хива хонлиги тугатилди деб эълон қилишган.

16—19-а. лар давомида Хива хонлиги ҳудудлари доимо ўзгариб турган. Дастлаб хонлик ҳудуди Хоразм воҳасидагина жойлашган бўлса, кейинчалик унинг чегараси жан. да Эрон

ва Марвгача, шим. да Урал дарёсигача бўлган ерларга чўзилган, шаркда Бухоро амирлиги, гарбда эса Каспий денгизи киргоқдаригача етган. Руслар боскинидан кейин Амударёнинг чап киргоғида 62237,2 км² ер майдонига эга кичик вассал давлатга айланиб қолган. Аҳолисининг сони ҳам доимо ўзгариб турган. Ўртача 1 млн. киши атрофида аҳоли яшаган. Унинг қўпчилигини ўзбеклар, туркманлар, қорақалпоқлар, қам сонли форслар, араблар, руслар ва б. ташкил қилган.

Хива хонлиги бошқарув тизими, асосан, Бухоро ва Қўқон хонликларидек бўлиб, фарқи, 19-а. бошларидан хон хузурида Қенгаш (Девон) бўлган. Энг юқори амалдорлардан ташкил топган қенгаш ваколати чекланган. Асосий қарорлар хон томонидан қабул қилинган бўлсада, амалдорларнинг хонлик бошқарувидаги мавқеи баланд эди. Мансаб ва унвонлар ҳарбиймаъмурий, ҳарбий ва диний тоифаларга бўлинган. Инок, оталик, бий, амир улумаро, меҳтар, қушбеги, бекларбеги, девонбеги ва б. унвон ва мансаблар хонлик иқтисодий, сиёсий, молиявий, ҳарбий ҳаётида муҳим ўрин тутган. Хонлик суд ишлари, асосан, диний уламолар қўлида бўлиб, уларнинг мамлакат ҳаётида таъсири қучли бўлган.

Хонликда давлат тили ўзбек тили бўлиб, Бухоро ва Қўқондан фарқли ўлароқ барча фармонлар, давлат ҳужжатлари фақат ўзбек тилида ёзилган. 16 — 18-а. ларда Хива хонлигининг маъмурий жиҳатдан бўлиниши вилоят деб аталган бўлса, 18-а. дан беклик деб атала бошлаган. Дастлаб хонликда 16 та вилоят, 2 та ноиблик бўлган бўлса, кейинчалик вилоятлар сони 22 га етган. Уларни хон томонидан тайинланган ҳоким ва ноиблар бошқарган. Хива ш. эса хон ва бош вазир томонидан бошқарилган.

Ижтимоий ҳаётда хон ва унинг амалдорлари ва диний уламоларнинг мавқеи юқори бўлиб, иқтисодий ҳаётнинг асосини ташкил қилувчи ер ҳам, асосан, улар қўлида бўлган. Қам ерли ва ерсиз дехқонлар улардан ижарага ер олиб ишлаганлар ва уларнинг аҳоли жуда оғир бўлган. Сунъий сугоришга асосланган дехқончилик мамлакат иқтисодида муҳим ўрин тутгани учун Амударёдан чиқарилган каналларни қазиб давлат аҳамиятига молик иш ҳисобланган. Шунингдек, қорвачилик, ҳунармандчилик, савдосотик ҳам иқтисодий ҳаётда муҳим ўрин тутган.

Хонлик ҳарбий қўшини ва қуроли аслаҳасини яхшилаш жуда паст даражада бўлган. Қўшинни қўпроқ ярим қўчманчи туркманлар ташкил этган. Олдинги даврлардаги ҳарбий соҳадаги ижобий тажрибалар ривожлантирилмай ташлаб қўйилган.

Хива хонлиги Бухоро, Қўқон, Эрон ва Россия каби қўшни давлатлар билан савдосотик ишлари олиб борган. Солиқдар барча мусулмон давлатларидагидек хирож, закот, бож ва жузъядан иборат бўлган. Шу билан мажбурий меҳнатнинг баъзи турлари амалга оширилган.

Бошланғич мактабда ўқиш, ёзишни ўрганган болалар мадрасаларда ўқитилган. 19-а. да Хива хонлигида 1500 га яқин бошланғич мактаб ва 103 Мадраса мавжуд бўлган. Хива ш. нинг ўзида 22 та Мадраса бўлган. 19-а. да Хива хонлигида адабиёт, тарихнавислик, ҳаттотлик, мусика санъати, меъморлик ва маданиятнинг бошқа соҳаларида муайян ютуқлар қўлга киритилган.

Мунис, Огахий, Феруз, Комил Хоразмий, Камрон, Баёний, Хисравий, Муродий, Рожий, Мутриб Хонахаробий, Лаффасийлар асарлари ўзбек адабиёти ривожига ўзига хос ўринга эга. Танбур чизиги нотасини яратган Комил Хоразмий «Макоми Феруз Шохий» асари ва «Панжгоҳ» макоми билан ўзбек миллати санъатига катта ҳисса қўшган. Абулғозийхон «Шажарайи турк», «Шажарайи тарокима» асарлари билан Хоразм тарихнавислик мактабини бошлаб берган бўлса, Мунис ва Огахийлар тарихнавислик ва таржимонлик мактабини яратиб, «Фирдавс уликбол», «Зубдат уттаворих», «Гиёс уддавлат», «Жоме улвоқеоти султоний», «Шохид ул иқбол» асарлари билан тарих соҳасини ривожлантирдилар. Баёнийнинг «Шажарайи Хоразмшохий», «Хоразм тарихи» асарлари Ўзбекистон тарихини ўрганишда асосий манбалар ҳисобланади.

Хоз. Хива ш. да сақланиб қолган кад. меъморлик иншоотлари, асосан, хонликлар даврида қурилган. Буларга Анушахон ҳаммоми, Шергозихон мадрасаси, Мухаммад Аминхон мадрасаси, Қўхна Арк, Тошхавли, Карвонсарой, Ислохўжа минораси, Қалъа девори, Нуриллобой саройи ва б. қиради.

Ад.: Абулғозий, Шажарайи турк, Т., 1992; Огахий, Асарлар, 56ж., Т., 1978 — 80; Баёний, Шажарайи Хоразмшохий, Т., 1994; Хива минг гумбаз шаҳри, Т., 1997.

Неъмат Полвонов.